ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 66 (8. 495) ◆ 1994 йил 6 июнь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда



КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

СУРАТДА: икки мамлакат Президентининг яккама-якка суҳбат пайти.

Тошкент аэропортида Ким Ен Сам жаноблари ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар Президентлар ва уларнинг рафиқаларига гуллар тақдим этдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ким Ен Сам юксак мартабали меҳмон шарафига саф тортган миллий гвардия аскарлари вакилларидан иборат фахрий қоровул олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ва хорижий мамлакатларнинг республикамиздаги дипломатия корпуси вакиллари Ким Ен Сам жанобларига таништирилди. Ўз навбатида Корея Республикаси Президенти ҳам ўзига ҳамроҳлик қилаётган ҳукумат аъзоларини таништирди.

Шундан сўнг автомобиллар карвони юксак мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Аэропорт ва Тошкент кўчаларига чиққан шаҳарликлар Ким Ен Сам жанобларини олқишлар билан қаршиладилар.

* * *

Шу куни Президентнинг Дўрмондаги қароргоҳида совғалар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ислом Каримов билан Ким Ен Сам яккама-якка суҳбатлашдилар.

* * *

Шу куни оқшомда меҳмонлар Тошкентнинг муҳташам «Наврўз» кошонасига келишди. Бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноблари шарафига қабул маросими ўтказди. Унда икки давлат Президентлари рафиқалари билан, мамлакатлар расмий делегациялари аъзолари, Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари иштирок этишди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам табрик нутқи сўзладилар.

* * *

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноби олийлари мамлакатимизга давлат ташрифининг иккинчи куни Самарқанд шаҳрини зиёрат қилишдан бошлади.

Самарқанд аэропортида Ўзбекистон ва Корея Республикаси давлат байроқлари ҳилпирайди. Вилоят ва шаҳар жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда уларнинг рафиқаларини самимий кутиб олдилар.

Олий мартабали меҳмонларнинг қадимий обидалари билан танишуви Шоҳи Зинда ёдгорликлар мажмуи билан танишишдан бошланди. Шундан сўнг меҳмонлар ер юзида ўзининг нафис ҳамда бетакрор архитектура ёдгорликлари билан машҳур бўлган Регистон майдонига келишди. Бу ерда икки давлат раҳбарлари ва уларнинг рафиқаларини вилоят бадиий ҳаваскорлик дасталари санъаткорлари катта шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар.

Бундан бир неча аср муқаддам қурилиб, дунёвий илмларни ўташ учун, ўзига хос академия ролини бажарган Тиллақори, Шердор, Улуғбек мадрасаларини меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Икки давлат раҳбарлари ва уларнинг рафиқалари Самарқанд сафари чоғида Амир Темур мақбарасини ҳам бориб кўрдилар.

Ўзининг тарихий обидалари билан дунёга машҳур бўлган кўҳна Самарқанднинг бой маданий мероси меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовларнинг Самарқанд сафарида вилоят Ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ҳамроҳлик қилди.

Шу куниёқ икки давлат раҳбарлари ва уларнинг рафиқалари Самарқанддан Тошкентга қайтиб келишди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Кеча куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноблари пойтахт вилоятининг Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясида бўлдилар.

Икки давлат раҳбарлари ва уларнинг рафиқаларини корпорация марказида турли миллат вакилларидан иборат хўжалик аъзолари самимий ва дўстона қарши олдилар. Ислом Каримов ва Ким Ен Сам жаноблари хўжалик қўрғони марказига ўрнатилган Ким Пен Хва ҳайкалини зиёрат қилишди. Шундан сўнг уларнинг ана шу хўжаликда кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозир нафақада бўлган оқсоқоллар билан учрашуви бўлиб ўтди. Корея Республикаси Президенти улар билан суҳбатлашди, уларнинг ижтимоий турмуш шароитлари билан қизиқди.

Шундан сўнг ҳар икки мамлакат Президентлари корпорациянинг пахта майдонларини кўздан кечиришди. Кореялик меҳмон пахта етиштириш технологияси билан қизиқди.

Президентлар ана шу хўжалик тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи музейда ҳам бўлдилар, жамоа хўжалигининг ташкил этилиши ва унинг шаклланиши ҳамда ривожи ҳақида ҳикоя қилган экспонатлар билан яқиндан танишдилар.

Икки мамлакат Президентлари корпорация Бахт уйида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи корейслар билан учрашдилар. Унда Президентлар табрик нутқи сўзлашди.

Президентларнинг Ким Пен Хва номли халқ корпорациясида бўлган чоғларида уларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент вилояти Ҳокими М. Икромов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

* * *

Президент Ким Ен Сам бугун эрталаб Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди. Кейин Халқлар дўстлиги саройини кўздан кечирди. Бу ерда Президентларнинг мулоқоти, давлат делегацияларининг музокаралари бўлди. Шундан сўнг Ким Ен Сам ва Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференциясини ўтказдилар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикамизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари конгресси сенатори Арлет Спектерни қабул қилди.

Суҳбат чоғида парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш, ҳар икки томон учун фойдали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни катта таассурот қолдирганини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк иштирок этди.

* * *

Шу куни сенатор Арлет Спектер республика Олий Кенгашида ҳам қабул қилинди.

(ЎзА).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Лиамин Зеруал, Тунис Республикаси Президенти Зайн ал Обидин бин Али, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Абдур Раҳмон Бисвас, Филиппин Республикаси Президенти Фидел В. Рамос муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига самимий табрикномалар йўлладилар.

● Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Қонуни амалга киритилди.

● Атом электр станциясида рўй берган фалокатларнинг олдини олишда қатнашганларни бирлаштирувчи «Чернобиль» жамияти Самарқандда тузилди. «Тадбиркор» банкида ташкилотнинг махсус ҳисоб рақами ҳам очилди.

● Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Москва вилоятининг Шчелково шаҳри тадбиркорлари «Асшетекс» кичик қўшма тикувчилик корхонасини бунёд этдилар. Ушбу янги корхона юксак сифатли 140 хилдан иборат тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаради.

● Шеробод туманида ташкил этилган кичик корхона тармоғи қимматлашиб кетган бензин ўрнига газ конденсатидан фойдаланади.

● «Туркистон» саройида Жаҳон табиатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган хайрия концерти ўтказилди.

● Кеча мамлакатимиз шаҳарларидаги стадионларда футбол бўйича олий табақа жамоаларининг 9-тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» — «Навбаҳор», МҲСК — «Нефтчи» учрашувларида 1:1 ҳисоби қайд этилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия Президенти Борис Ельцин қарзга ботиб қолган корхоналарни сотиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Шундай қилиб, деб таъкидлашади россиялик шарҳловчилар, иқтисодий ислоҳотни янада ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар амалга киритилди.

● Украина парламенти Леонид Кравчукнинг президентлик сайловларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифини рад этди. Бу сайловлар 26 июнга мўлжалланган эди. Леонид Кравчукнинг ҳисоблашича сайловларда асосий кураш ўзи ва собиқ бош вазир Л. Кучма ўртасида авж олади.

● Россия яқин вақт ичида Япониядан олган қарзларини тўлашни бошлайди. Маълумки, бу қарзлар олти миллиард доллардан ортиқдир.

● Дам олишда бўлган Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Таманга ташриф буюрди. Бу ерда Россиянинг Қора денгиз соҳилларида портлар қуриш масалалари қараб чиқилди.

● Москва банклараро валюта биржасида доллар қиймати яна кўтарилди ва бир АҚШ доллари 1923 Россия рублига тенг келди.

● Борис Ельцин Абхазияга тинчликни сақловчи кучларни киритиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолади, деб баёнот берди Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе.

● Бугун Москвага Молдованинг расмий делегацияси келади. Делегация 14-армияни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги музокараларни олиб боради.

● Кеча Мордвада Халқ Мажлисига депутатлар сайлови бўлиб ўтди.

● Россия ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотда Ливан—Исроил чегарасидаги аҳвол ёмонлашганлиги муносабати билан ташвиш билдирилади.

ХОРИЖДА

● Кеча Нормандияда (Франция) иттифоқчи қўшинлар киритилишининг 50 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.

● Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Олег Сосковец бошчилигидаги делегациянинг Малайзияга икки кунлик ташрифи бошланди. Эртага Миг—29 самолётларидан 18 тасини Малайзияга сотиш тўғрисидаги битимни имзолаш режалаштирилган.

● Ҳиндистон «Ер—Ер» типидаги тактик ракеталарни синовдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара, фермер ва бошқа хўжаликларни бошоқли дон экинлари етиштиришни кўпайтиришга рағбатлантириш мақсадида ва моддий-техника ресурсларининг нархлари ошгани муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йил ҳосилидан бошлаб бошоқли дон экинларининг ўртача харид нархлари қуйидаги миқдорларда белгилансин:

буғдой—тоннаси 500 минг сўм-купон.

жавдар—тоннаси 475 минг сўм-купон.

арпа ва сули — тоннаси 400 минг сўм-купон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бошоқли дон экинлари янги харид нархларининг прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 апрелдаги 205-қарори билан тасдиқланган бошоқли дон экинларининг харид нархлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Благовещенская Нина Николаевна — Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус таҳлилий назорат нозирлигининг бошлиғи;

Каттахўжаев Жалолиддин Сайдалиевич — Андижон вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси;

Мирзаакбаров Исломжон— Фарғона вилояти Риштон туманлараро табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси;

Мустафаев Кубейсин Аблакимович — Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси ҳайвонот, ва ўсимлик дунёсини асраш бўйича биринчи тоифали мутахассиси, Судочье тезкор гуруҳининг бошлиғи;

Нарзиев Искандар Иброҳимович — Бухоро вилояти Пешку-Шофиркон туманлараро табиатни муҳофаза қилиш нозирлигининг бошлиғи;

Раҳимбоев Раҳимжон — Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг муовини;

Савелло Владимир Леонидович — Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси ер манбаларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш бош бошқармасининг бошлиғи;

Самигулина Фаина Шайдуловна — Навоий вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сув ресурсларини қўриқлаш нозирлигининг бошлиғи;

Сатторов Абдуҳаким — Жиззах вилояти Зомин тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат назоратчиси;

Сувонов Пирмамат — Қашқадарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси;

Хайдаров Қудратилла — Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғиботи бўлимининг бошлиғи;

Хаустова Нина Викторовна — Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш нозирлигининг бошлиғи;

Холбеков Нажмиддин Сатторович — Сирдарё вилоят Ш. Рашидов тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бошлиғи;

Шамсимуҳамедов Исмоил Усмонович — Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг олий тоифали мутахассиси;

Юсупов Мамасодиқ — Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи муовини;

Ҳабибуллаев Асхад Шарипович — Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 июнь.

** Ўзбекистон-Корея Республикаси: ҳамкорлик қирралари*

«ЧЕТГА МАҲСУЛОТ СОТИШДАН МАНФААТДОРМИЗ»

«УЗ—ДЭУ Электроникс» Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси ўтган йил ноябрь ойида ишга тушганди. Мана шу қисқа муддат ичида корхона оёққа туриб олди. Айни пайтда у ўз маҳсулотларини фақат Республикамизда эмас, балки Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам чиқариб сотмоқда. Масалан, шу йил апрель ойининг ўзида корхона Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикалари ҳамда Россия Федерацияси ва республикамиз аҳолисига 1,5 миллион долларлик маҳсулот сотди.

Яқинда биз ушбу корхонада бўлиб унинг иши билан танишдик.

Корхонанинг телевизор йиғув бўлимидамиз. Бўлим ичи кенг, ёруғ, озода. Бу ерга ҳатто пойабзални ечиб махсус шиппакларда ичкарига кириш экан.

Телевизорларни йиғиш учун мўлжалланган конвейер тизимида ишчилар махсус кийимларда ишлашмоқда. Ҳамма ўз ишини тез ва пухта бажармоқда.

— Бу ерда «ДМО-2049» деб номланган телевизорлар йиғилади, — дейди бўлим бошлиғи Рустамбек Мирсодиқов. — Йиғиш ускуналари Корея Республикасининг «ДЭУ» компанияси томонидан олиб келинди. Улар ана шу йиғув узатгичини ўрнатиб ишчиларимизга унинг сирини ўргатиб кетишди.

Ҳозирги кунда бўлимимизда 36 ишчи меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг бир қисми шунга ихтисослаштирилган техникум ёки техника билим юртида ўқиб келишган бўлса, баъзилари шу ернинг ўзида касб эгаллашмоқда. Айни пайтда бўлимимизда ҳар куни ўртача 250 та телевизор йиғилмоқда.

— Маҳсулотларингиз ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган телевизорларнинг қайси авлодига мансуб? — деган саволимизга бўлим бошлиғи маҳсулотларимиз ўзига хос бўлиб, улар кўпга чидамлилиги билан олдинги телевизорлардан кескин фарқ қилади, дея жавоб берди.

Жамоанинг видеомагнитофон йиғув бўлимига ўтдик. Бу ерда 30 киши ишлар экан. Улар ҳар бир магнитофонни йиғиш жараёнида 28 та операцияни бажаришади. Ишчилар режа бўйича кузга 150 та ўрнига 200—300 та видеомагнитофон йиғишга эришишмоқда. Эътиборли томони шундаки, жамоада йиғилаётган 60 та магнитофондан 13 таси қайта текширувдан ўтказилади. Агарда шуларнинг биттаси нуқсонли чиқиб қолса юқоридагиларнинг ҳаммаси қайтадан текширилади.

Қўшма корхонанинг дазмол ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлимаси ҳам бор. Айни пайтда бу ерда жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган ҳар хил дазмоллар тайёрланмоқда.

— Корхона дастлаб ишга тушган пайтда маҳсулотларимизни Ўзбекистон ҳудудида сотардик, — дейди биз билан суҳбатда бош директор ўринбосари Ҳотам бек Фозилбеков. — Юқорида таъкидлаганимдек орадан бир-икки ой ўтгандан кейин корхонада йиғилаётган халқ истеъмол буюмларини четга чиқара бошладик. Чунки ташқарига мол сотишдан манфаатдормиз. Бундан корхонамизга, қолаверса республикамизга валюта тушуми ортади. Ҳозирги вақтда Россия биздан айниқса кўп маҳсулот олмоқда. Сабаби бизнинг телевизор, видеомагнитофон, дазмолларимиз улар ишлаб чиқараётган ана шу турдаги маҳсулотлардан анча арзон экан. Шунинг учун корхона келажакда четга маҳсулот юборишни янада кўпайтиришни ниятида.

Шу ойнинг бошидан яна бир телевизор йиғув узатгичи ишга туширилди. Биз унга қўшимча 120 та кишини ишга қабул қилдик. Мақсад телевизорларни янада майда-майда деталлардан йиғишни йўлга қўйишдир.

Бундан ташқари Олой бозори ёнида жойлашган фирмали дўконимизда Корея Республикасидан келтирилган музлатгич, кир ювиш машинаси, чанг ютгич, магнитофон ва бошқа маҳсулотларни сотишни йўлга қўйганмиз. Бундан мақсад бозорни ўрганишдир. Шу халқ истеъмол буюмларининг қайси бири яхши кетса, ўшани корхонамизда ишлаб чиқаришга қўйиш.

Келажакда Самарқанд, Андижон, Фарғона ва бошқа жойларда корхона ўз фирмали дўконларини очиш ниятида.

Гулом ЮСУПОВ.

СУРАТЛАРДА: корхона ишлаб чиқаришидан айрим лавҳалар: чапдаги суратда илғор ишчи Ақида Рашидова; юқоридаги суратда ишчилардан Рустам Мирзааҳмедов ва Даврон Мирсодиқов.

Козим Ўлмасов олган суратлар.

ЧАК АДАМС—ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ СОҲИБИ

Ва ниҳоят, теннис ишқибозларини бир ҳафта давомида ўзига буткул ром қилган, шаҳримиз ҳаётига ажиб бир илиқлик ва фараҳ бахш этган теннис бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги учун ўтказилган илк халқаро мусобақалар поёнига етди. Кеча «Юнусобод» спорт мажмуида турнирнинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Шанба ва якшанба кунлари эса мусобақаларининг ҳал қилувчи финал ўйинлари ўтказилди.

...Кортга тантанали марш садолари остида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, мусобақа ташкилий қўмитаси раиси, республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, турнирнинг бош ташкилотчиси С. Какшури, чизиқ ҳакамлари, тўп узатувчилар, супервизор, ташкилий қўмита аъзолари, бош ҳакам, турнир директорлари ҳамда мусобақа ғолиби, 2-ўрин соҳиблари тушишади.

Жаноб С. Какшури юртбошимиз И. Каримовга сўз беради. Ислом Каримов барча мусобақа қатнашчилари, меҳмонлар ҳамда теннис ишқибозларини қизғин табриклаб, Президент Кубоги ҳамда 18 минг долларлик мукофот пулини турнир ғолиби Чак Адамсга ҳамда иккинчи, совринни Ф. Де Вульфга топширади. Ўз навбатида мусобақа ғолиби Ч. Адамс ҳам миннатдорчилик сўзларини айтиб, мусобақанинг келгусида янада кучли ўтишига ишонч билдирди.

Шундай қилиб 22 мамлакатнинг 32 стакчи теннис устаси иштирок этган мусобақалар ниҳоясига етди.

Президент Кубоги мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков, Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси С. Рўзиев ва бошқалар иштирок этишди.

Дамир ИСЛОМОВ.

Ижтимоий ҳимоя—амалда

Пенсия ва унга қўшимча устамалар

ЯНГИ ҚОНУНГА БИНОАН ПЕНСИЯНИ ВА УНГА ҚЎШИМЧА УСТАМА ҲАҚЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Мухбиримизнинг ана шу саволига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижтимоий-таъминот бошқармаси пенсия бўлими бошлиғи лавозимини ижро этувчи Шоҳида Носирова жавоб беради.

— Янги Қонун бўйича пенсия миқдори собиқ Иттифоқнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунидаги каби меҳнат стажи давомийлигига ҳамда ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ. У пенсиянинг таянч миқдори иш стажи учун пенсиянинг оширилиши, пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан иборатдир. Ҳозирги Қонунга биноан пенсиянинг қуйидаги таянч миқдорлари белгиланган.

ҳақининг 30 фоизи олинади. Лекин у кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмаслиги зарур. Бундай пенсияларга талаб қилинган иш стажининг ҳар бир ортиқча тўлиқ йили учун 0,5 фоиз оширилади. Лекин бу ўртача ойлик иш ҳақидан умумий ҳисобининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим. (СССР Қонунида III гуруҳ ногиронлиги бўйича стаж учун пенсияни оширилиши назарда тутилмаган эди).

Чунончи, III гуруҳ ноги-

А) Ёшга доир тўлиқ пенсия учун (эркаклар 25 йил, аёллар 20 йил иш стажига эга бўлган ҳолда) — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдори олинади. Ёш бўйича пенсияга чиқиш учун талаб қилинган тўлиқ иш стажидан ортиқча ҳар бир тўлиқ йил учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида устама ҳақ қўшилади. Бироқ, пенсия миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан ошмаслиги керак. (Шундай қилиб собиқ Иттифоқ Қонунидаги каби аёлларнинг 40 йилдан, эркакларнинг 45 йилдан ортиқ иш стажи ҳисобга олинмайди). Бундай ҳолларда 15 кунгача бўлган давр иш стажини ҳисоблаганда стажга қўшилмайди. 15 кундан юқориси эса тўлиқ бир ойга ҳисобланади.

Айтайлик, аёлнинг умумий иш стажи 23 йил 11 ой 16 кундан иборат. Бундай вазиятда кунлар тўлиқ ҳисобланади ва унинг стажи 24 йилни ташкил қилади. Пенсия миқдорини ҳисоблаганда ўртача ойлик иш ҳақининг 59 фоизидан (55+4 — ортиқча тўрт йил) белгиланади.

Б) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия учун пенсияни ҳисоблашга ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи олинади. Лекин у энг кам иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ушбу Қонунга киритилган янгилик шундан иборатки, — I ва II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсияни ҳисоблашда талаб қилинган иш стажидан ҳар бир ортиқча йил учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида қўшимча қўшилади.

Масалан, иккинчи гуруҳ ногирони 43 ёшда. Унга пенсия тайинлаш учун 11 йил иш стажи бўлиши керак. Унинг иш стажи 18 йилдан иборат. Унга пенсия ўртача иш ҳақининг 62 фоизи миқдорида тайинланади.

В) III гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия тайинлаш учун пенсияни ҳисоблаб чиқаришга ўртача ойлик иш

рони 30 ёшда. Пенсия тайинланадиган кунда унинг иш стажи 9 йилни ташкил қилган. (Талаб қилинган иш стажи 5 йил) ўртача ойлик иш ҳақи 140 минг сўм-купон. Пенсия миқдори қуйидагича ҳисобланади:

140000 сўм-купон X 30 фоиз = 42.000 (пенсиянинг асосий миқдори) +2800 (140000 X 2 фоиз, яъни тўрт йиллик ортиқча стажнинг ҳар бир йилига 0,5 фоиздан қўшимча) пенсиянинг жами миқдори: 44800 сўм-купонни ташкил этади.

Г) Оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқаришга боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридан белгиланади. Лекин у энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида белгиланган. Бу сингари пенсияларда талаб қилинган стаждан ортиқ ҳар қайси йил учун боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи ҳар бир меҳнатга лаёқати бўлмаган оила аъзосининг пенсиясига қўшилади.

Масалан, боқувчи 45 ёшда вафот этди. Қонун бўйича 11 йиллик стаж талаб қилинади. (Унинг умумий стажи вафот этган кунида 20 йилни ташкил қилган. Ўртача ойлик иш ҳақи 150 минг сўм-купон, меҳнат қилишга лаёқатсиз бўлган икки оила аъзосига қуйидаги миқдорда пенсия белгиланиши лозим;

150000 сўм-купон X 60 фоиз (ҳар бир фарзандга 30 фоиздан = 90000 сўм-купон + 135000) ортиқча 9 йиллик иш стажининг ҳар бир йилига 0,5 фоиздан ҳисоблаб икки фарзандга 9 фоиз олинган. Пенсиянинг жами миқдори 103500 сўм-купондан иборат бўлади).

Д) Ҳам ота, ҳам онасидан айрилган чин етим болаларга ҳар бир фарзандга ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида, лекин энг кам иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаган пенсия белгиланади. Бундай ҳолларда иккала ота-онанинг иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 7 ҳиссаси миқдори доирасида қўшиб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, пенсия таъминоти тўғрисидаги СССР Қонунидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Қонунида устамалар пенсиянинг ўртача миқдоридан эмас, балки барча устама ҳақлар энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Тўлиқ стаж учун пенсиялар билан бир қаторда иш стажи тўлиқ бўлмаган, қатор сабабларга кўра тегишли стажга етиша олмай қолган шахслар учун ҳам пенсия тайинлаш назарда тутилган. Иш стажи тўлиқ бўлмаган ҳолларда пенсия мавжуд стажга пропорционал — тенг миқдорда тайинланади. Бундай пенсиялар миқдори қуйидагича бўлиши мумкин:

— Ёш бўйича пенсия учун — энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

— I гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия учун — энг кам иш ҳақининг 100 фоизи;

— II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия учун — энг кам иш ҳақининг 50 фоизи;

— III гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия учун — энг кам иш ҳақининг 30 фоизи;

— боқувчисини йўқотган ишга лаёқатсиз ҳар бир оила аъзоси учун — пенсия энг кам иш ҳақининг 50 фоизи;

— ҳам отаси, ҳам онасидан ажраган чин етимларнинг ҳар бири учун боқувчисизлиги учун пенсия — энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида белгиланади.

Шунингдек, Республика Қонунида қуйидаги устамалар назарда тутилган.

а) I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи.

б) II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзиожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг — 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва беваларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — хизматларига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан — 150 фоизигача.

Устамалар тайинланган пенсия турларига қарамай тайинланади. Қонунда бир йўла икки ёки бир неча устамалар тайинлаш назарда тутилган.

Масалан, ёши бўйича пенсиядаги шахс 1943—45 йиллар давомида жамоа хўжалигида ишлаган. Ожизлик бўйича I гуруҳ ногирони ҳисобланади. Унинг пенсиясига қўшимча қилиб икки устама тайинлаш лозим. Яъни ожизлиги учун 100 фоиз ва уруш йиллари жамоа хўжалиги ходими сифатида ишлагани учун — энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Қурилиш майдонларида

Уйлар қад ростлаяпти

Паркент кўчасидаги баланд қаватли уйларнинг сони ҳам яна бир нечтага кўпаядиган бўлди. Албатта, ҳозир янги бинонинг бири энди қад ростлаётган бўлса, яна бошқасида пардоз ишлари олиб борилмоқда.

— Ҳозирги қурилиш ашёлари танқислигига қарамай, — дейди участка иш юритувчиси Абдувоҳид Добилов, — тиклаш ишларини муддатида олиб боряпмиз. Мана бу томи ёпилаётган уйни қуришга ҳам унчалик кўп вақт кетгани йўқ. Иш суръатини ошираётган қурувчиларимиз навбатдаги уйларнинг пойдевор қисмини пайвандлашга киришдилар. 3-пардозлаш ишлари бошқармасининг пардозчилари эса худди мана шу 90 хонадонга мўлжалланган уйда пардоз ишларини бошлаб юборишди.

Ушбу иншоотда қурилиш-тиклаш ишларини Тошкент давлат-ҳиссадорлик қурилиш корпорацияси бунёдкорлари олиб боришмоқда.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: Паркент кўчасида олиб борилаётган қурилиш ишларидан лавҳалар.

Виктор Багаев олган суратлар.

МАИШИЙ хизмат соҳаси меҳнатчилари ўз билим ва маҳоратлари билан одамларга хуш кайфият улашишяпти. Киши эътиборини тортадиган даражада гўзал қилиб турмакланган соч ёки замонавий андозада тикилган либослар кимга ёқмайди дейсиз.

Пойтахтимиздаги «Боғи Эрам» боғида «Ўзмаишийхизматуюшма» тасарруфидаги республика ўқув-курси комбинатида таълим олаётган йигит-қизларнинг либослар ва соч турмаклаш бўйича кўргазмали чиқишлари ташкил этилди. «Ҳунар — ҳунардан унар» деб номланган ушбу тадбирда мактаб ўқувчилари ва билим юртлари талабалари иштирок этишди. Бадиий ҳаваскорлик дасталари ижросидаги куй-қўшиқлар барчани хушнуд этди.

Ҳунар-ҳунардан унар

Нафосат тимсоли

— Бозор муносабатларига ўтганимиз маиший хизмат соҳасидаги ишларни аҳоли талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда, — деди ўқув комбинати директори Бахтиёр Ҳакимов. — Эндиликда олий малакали усталар, ўз соҳасининг билимдонлари ҳар қачонгидан ҳам қадрланмоқда. Шунингдек, тадбиркорлар, бизнесменлар, маркетинг ва биржаларни ташкил этишни уддалай оладиган ёшлар ҳаводек зарур. Иш жойларида бундай мутахассисларни тайёрлаш қийин. Бизнинг ўқув комбинатимизда эса 6 ой давомида бу вазифани амалга оширса бўлади.

Муассасамиз маиший хизмат соҳасидаги ягона билим даргоҳи бўлиб, бичувчи-модельер, сартарош-модельер, сураткашлар, пойабзалчи-модельер каби малакали мутахассисларни етиштиради. Шунингдек, менежерлар, воситачилар, янгича фикрловчи хўжалик юритувчилар тайёрлаб беради. Тингловчилар касб маҳоратларини эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Ўқув корпусида замонавий техника воситалари билан жиҳозланган хоналар ва тажрибахоналар мавжуд. Айниқса амалий машғулотларга катта эътибор берилаяпти. Шу мақсадда замонавий марказ фаолият кўрсатмоқда. Бу жойда суратхона, пардозхона, модалар ательеси, пойабзаллар таъмирлаш устахонаси бор.

Комбинат раҳбари таъкидлаганича бор. Шу куни кўргазмада намойиш этилган мавсумий кўйлаклар, бежирим соч турмаклари мазкур билим даргоҳида таълим олаётган йигит-қизлар касб-ҳунарларни нечоғли пухта эгаллашаётганидан далолат беради.

Дилдора ОРИПОВА.

Тадбиркорлик—бозор талаби

Ҳусусийлаштириш—асосий йўналиш

Республикадаги газлама, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналари «Ўзенгилсаноатсармоя» ҳиссадорлик компанияси таркибига кирганлар. Енгил саноат тармоғи корхона раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган семинар-кенгашида «Ўзенгилсаноатсармоя» молия-инвестиция компаниясини тузиш ҳақидаги шартнома — битим имзоланди. Компаниянинг низом сармояси 5 миллиард сўм-купон этиб белгиланди.

Хўш, энди хусусийлаштириш жараёни бевосита саноат корхоналарининг ўзида қай тартибда амалга оширилади? Бу ва бошқа саволларимизга компания бошқарувининг раиси Ўктам Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раисининг ўринбосари Шуҳрат Ғофуров батафсил жавоб бердилар.

— Ҳиссадорлик компаниясига асос солинишда, — деди Ўктам Исмоилов, — биз аввало Президентимиз Ислом Каримовнинг тавсияларидан келиб чиқдик. Ўзингизга маълум, юртбошимиз республикамизда хусусийлаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурнинг амалиётчиларидан бири ҳисобланадилар.

Нега энди очиқ ҳиссадорлик жамиятларини барпо этиш йўли танланди, деган савол туғилиши табиий. Хорижий сармоядорлар кўпроқ хусусий мулк эгаси билан ҳамкорлик қилишдан, аниқ-лўнда битим — шартномалар асосида даромад ва буромад тақсимотидан, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда шахсий иштирокларидан манфаатдордирлар. Айнан ана шу жиҳатни эътиборга олиб, хорижий сармоядорларни жалб эта оладиган очиқ тоифадаги ҳиссадорлик жамиятлари тузишга қарор қилинди.

Шу ўринда яна бордию хорижий сармоялар корхоналаримизнинг акцияларини сотиб олсалар, бизнинг маҳсулотларимизга путур етказилмайдими, деган савол туғилиши ҳам мумкин.

— Асло, — деди бошқарув раиси, — хорижий сармоядорларга мўлжалланган улуш умумий акцияларнинг 20 фоизидан ошмайди. Бинобарин, уларнинг меҳнат жамоасига кўрсатадиган таъсири шу мутаносиблик билан чегараланади, холос. Бундан ташқари, «Енгилсаноатсармоя» молия-инвестиция компанияси ва компания қошидаги «Ўзенгилтижоратбанк» тизими ҳиссадорларимизнинг манфаатини тўла ҳимоя қилади. Бутун тармоқ молиявий имкониятларини ўзида мужассам этган бу икки тузилма хом ашё, асбоб-ускуна, бутлаш мосламалари, энергия ресурслари билан таъминлашда ҳар бир корхонага яқиндан ёрдам беради.

«Ўзенгилсаноатсармоя» компанияси ҳар бир корхона акцияларининг 10 фоизига эга бўлади ва ана шу улуш орқали корхона фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Хуллас, 1995 йилнинг 1 майига қадар енгил саноат корхоналари тўлалигича давлат тасарруфидан чиқарилади. Хусусийлаштириладиган мол-мулкни сотиб олиш ва ҳиссадорларга сотиш тартиби хусусида Ўзбекистон давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси билан келишиб олдик.

Корхоналарнинг ижтимоий-маиший шохобчалари хусусийлаштирилмайди, балки меҳнат жамоаси ихтиёрида қолдирилади.

— Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан асосий мақсад нима?

— Аввало, — дея таъкидлайди Ўктам Исмоилов, — халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириш ва аҳоли эҳтиёжларини тезроқ қондириш, иккинчидан, экспортга чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш. Валюта бўлса, ҳар қандай корхона ҳам янги замонавий ускуна сотиб олиши, ишлаб чиқариш қувватларини қайта таъмирлаш, хуллас ишлаб чиқаришни янада кенгайтириши мумкин.

Энди бевосита акциялар хусусида. Корхона акцияларининг 30 фоизи давлат, 21 фоизи меҳнат жамоаси, қолгани хорижий сармоядор ва «Енгилсаноатсармоя» компанияси ўртасида тақсимланади. 9 фоиз акциялар эса республика жамғарма биржаси орқали эркин равишда сотилиши мумкин. Агарда бу акциялар таъминотчи шериклар орасида ўз харидорини топса нур устига аъло нур бўларди.

— Акциялардан тушадиган маблағ нимага сарфланади?

— Бу саволга жавоб бераркан, Шуҳрат Ғафуров жумладан шундай деди:

— Хусусийлаштиришдан тушган маблағнинг 60 фоизи корхонанинг ўзида қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадларига қолдирилади. 15 фоизи ижтимоий мақсадларда сарфлаш учун ҳокимликка ўтказилади. Маблағнинг қолган 25 фоизи эса ҳиссадорлик жамиятига (яъни корхонага) қарз сифатида берилади. Бу қарзга қўйиладиган устама жуда паст бўлгани боис корхонага фойда келтириши табиий. Фойда фойда билан албатта. Лекин асосий эътиборни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратиш лозим. Мабодо ишлаб чиқариш суръати муттасил ошириб борилмаса, ёҳуд энг ёмони ишлаб чиқариш ҳажми камайтириб юборилса ўша корхонанинг синиши турган гап.

Толиб НУРМУҲАМЕДОВ.

ХДП: туман ташкилотларида

САФЛАР ОРТМОҚДА

КУНИ кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ҳамза туман кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлимининг биргаликда ташкил этган «Сиёсий клуб» гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилиш бир пиёла чой устида, ўзаро суҳбат тарзида ўтказилиши клуб аъзоларининг фаол қатнашувига сабаб бўлди.

Кечада ёшларга илм бериб ўзларининг ўқитувчилик касбини қадрлаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари жамулжам бўлишди.

Уруш ва меҳнат фахрийси З. Зоҳидова ҳукуматимиз олиб бораётган бугунги тинчлик сиёсати ҳамда фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида мамнуният билан сўзлади.

Ўзбекистон ХДПси Ҳамза туман кенгаши котиби Ботир Ғоипназаров ташаббуси билан ташкил этилган бу «Сиёсий клуб» ўз ишини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида туман халқ таълими ходимлари ҳамда туман кенгаши ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

Йиғилишда сўз олган туман кенгашининг биринчи котиби Шавкат Файзиев, ХДП аъзоларидан 5 нафарига партия билетларини тантанали равишда топширди. У ўз сўзида маориф ходимлари орасида Ўзбекистон ХДП аъзоларининг сафи тобора кенгайиб бораётганлиги қувончли ҳол эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг Ўзбекистон ХДП аъзолигига кириш истагини билдирган 7 киши партия сафига шу ернинг ўзидаёқ қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи котиби В. Медведев иштирок этди.

Абдуманноп РАҲИМОВ.

Мустақил юртимизга—етук мутахассислар

КЎЗГУДАГИ АКСИМИЗ

ТОШКЕНТ Давлат техника университети қошидаги лицейга киргунга қадар мени кўп ўйлар қийнарди. Лекин кейин кўнглим анча ороийиш топди. Лицейдаги фазо кемасидагидек чип-чиннидай ярқираган синфлар, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган махсус ўқув хоналари, бўйнибоғ таққан зиёлинамо талабалар билим даргоҳидаги муҳит қандай эканини билдириб турарди. Биз ҳикоя қилаётган техника-лицей интернатига энг зукко, қобилиятли болалар қабул қилинади. Шунингдек, бу ерда ўқиш ҳам, ётоқхонада туриш ҳам, овқатланиш ҳам, ҳаммаси бепул. Ҳатто болаларга бепул кийим-кечак берилади. Шу кунларда иқтисодий танқислик туфайли айрим хонадонларда лимон, сарёғ, шакар бўлмаслиги мумкин, аммо лицейда бор! Ёш организм ривожи учун нималар керак бўлса, ҳаммаси бадастир. Лицей толиблари олийгоҳлар тартибида ўқитилиб, йилда икки маротаба сўров ва имтиҳонлардан ўтадилар. Бу ерда айниқса, информатика, математика, кимё, физика фанлари чуқур ўргатилади. Талабаларга олийгоҳ домлалари, фан номзодлари ва профессорлар дарс берадилар. Лицей директори Жуманазар ака Ҳусанов болалар учун, уларнинг илмли, зиёли инсонлар бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитни яратган. Асосий фанлардан ташқари рус тили, инглиз тили, адабиёт, тарих сингари фанлар ҳам ўқитилади. Шу кунларда болалар инглиз тилини америкалик фан доктори Мишель хонимдан ўрганмоқдалар. Жуманазар ака лицей толиблари учун бу аёлни махсус таклиф қилган.

Дам олиш кунлари болалар Тошкентнинг турли томошагоҳларига борадилар, ўз дунёқарашларини ўстириш ниятида мусиқа тинглайдилар, ҳатто нафис санъат тури—балет томоша қилиб, уни тушунишга ҳаракат қиладилар.

Лицейни муваффақиятли тугатган толиблар 11-синфдан кейин Тошкент Давлат техника университетига кириб ўқишни давом эттиришади.

— Истеъдодли тенгдошларимга умрингизни беҳуда ўтказманг дегим келади,— дейди лицей толиби Содиқ Бегматов. — Бу ерда илмга чанқоқ ёшлар учун ҳамма шароит муҳайё. Махсус тажрибахоналар, лингафонхоналар, кутубхона бизнинг ихтиёримизда. Тенгқурларим бир-биридан зукко, зеҳнли. Уларга ҳавасим келади. Ҳатто дам олиш пайтларида ҳам баҳслар қизигандан қизийди. Илмга чанқоқлигим, орзуларим ортаверади.

Ҳар бир кишининг ўзига яраша истеъдоди, талаби бор. Биров зукко, зеҳнли, бошқа биров меҳнаткаш, кучли. Шу боис ҳаммани бир тарозуга солиш, ҳаммадан бир хил талаб қилиш нотўғри бўлса керак. Бинобарин, республикамизда техника-лицей интернати сингари илмгоҳларнинг очилиши айни муддао бўлди.

— Келажак бугундан бошланади, — деди Жуманазар ака биз билан суҳбатда, — болалар тарбияси, ёшларга таълим бериш қанчалик масъулиятли вазифа эканини ҳамма билса қанийди. Ёшлар кўзгудаги аксимиз. Биз уларга бугун қандай муносабатда бўлсак, эртанги кунимиз ҳам шундай кечади. Келажак учун, фаровон турмуш учун меҳнат қилиш керак. Ҳаммамиз Америкага, Японияга ҳавас қиламиз. Улар ҳам бу даражага ўз-ўзидан етмаганлар-ку! Одам қилган ишни одам қилолмайдими? Улар бир нарсани тўғри ҳал этганлар. Илм-фан кишиларининг изланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Иқтисодий қийинчиликлар вақтинчалик. Эртанги кун барибир илм-фанники, деб ўйлайман. Шу боис ёшлар илм олсин деб, қўлдан келган ҳамма ишни қиляпмиз. Қаерда яхши, илмли муаллим бор дейишса, албатта ўша одамни топиб, шароитни тушунтирамиз, ишга таклиф қиламиз. Юртимизда фидойилар кўп. Одамларга, қолаверса ҳукуматимизга ишониб, шу ишларни амалга оширяпмиз.

Мавлуда ИБРОҲИМОВА.



Бахтиёр Абдумуталов Ўзбекистон темир йўллари машиналарини таъмирлаш корхонасида 26 йилдан бери самарали ишлаб келади.

СУРАТДА: Бахтиёр Абдумуталов иш устида.

ЖАМҒАРМАНИНГ ЭЗГУ ЮМУШЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Ижодкорлар жамғармаси ўзининг янги дастур ва йўлланмаларини режалаштириш муносабати билан «Ижод ва иқтисод» мавзусида матбуот конференцияси ўтказди. Жамғарма қошида ҳиссадорлик жамияти, суғурта гуруҳи, «Етти гўзал» галереяси тузилгани ҳақидаги хушхабар барчани хушнуд этди.

Жамғарма Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1991 йилнинг 22 октябридаги «Ижодкорлар жамғармасини тузиш ҳақида»ги Фармонига кўра ташкил бўлган эди. 1992 йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра жамғарманинг ҳамда ҳиссадорлик жамияти «Арк» суғурта гуруҳининг низоми қабул қилинди.

Жамғарманинг асосий мақсади Ўзбекистон маданияти ва санъатини қўллаб-қувватлаш ҳамда минг йиллардан бери бизга етиб келган халқимиз меросини сақлаш, ижодкорларнинг таъминотини ҳимоя қилиш каби эзгу ишлардан иборат.

Жамғарма билан ҳиссадорлик жамияти «Арк» суғурта гуруҳининг келишувига кўра «Альянс» суғурта агентлиги тузилди. Унинг вазифаси ижодкорларнинг қизиқишларини, уларнинг ҳаёти, соғлиғи, мулки, меҳнатларининг натижаси ҳамда муаллифлик ҳуқуқларини суғурта қилишдан иборат.

Жамғарма республикамиздаги саккизта ижодий уюшмалардаги 12500 ижодий ходимни иқтисодий ҳимояси, бепул даволанишлари учун ҳам маблағ ажратади. Фестиваллар, симпозиумлар ўтказиш, санъат асарларини таъмирлаш, нафақат тижорат, касса учун яратилаётган фильмлар, балки мумтоз фильмлар учун ҳам маблағ топиб бериш, Ўзбекистон маданияти ва санъатини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга омон-эсон етказиш жамғарманинг асосий вазифасидир.

«Етти гўзал» галереясига Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг «Етти гўзал» асарлари асос қилиб олинди.

Ўзбекистон меъморлар уюшмасида рассомларнинг уруш йилларини акс эттирган бадиий асарлари кўргазмаси очилди.

Малика ХИДИРОВА.

● Ривожланиш йўлига кирган юртимизда ҳар бир соҳада жаҳоннинг йирик давлатлари билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро тажриба алмашиш ишларини амалга ошириш учун тобора кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу борада республикамиз таълим тизими раҳбариятн вакилларининг Германия Федератив Республикасида бўлиб, мамлакатнинг ўқиш-ўқитиш соҳаси билан яқиндан танишишидан кўпгина ижобий ўзгаришлар кутилмоқда. Ўзбекистонлик халқ таълими ходимлари учун махсус ташкил қилинган «Таълим тизимининг қиёсий таҳлили. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзгаришлар» мавзусидаги анжуман қатнашчиларидан бири Қори-Ниёзий номли педагогика илмий-тадқиқот институтининг директори, педагогика фанлари доктори, профессор Даврон Шодиев билан суҳбатлашдик.

— Германияда таълим соҳасининг мавқеи хусусида гапириб берсангиз.

* *Ўзбекистон ва жаҳон*

САМАРА БЕРАДИГАН ТАЖРИБАЛАР

— Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Германия Федератив Республикасининг янги ерларида (собиқ ГДР) мактаб таълими бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ислоҳ қилинаркан, ҳозирда бизда мавжуд муаммолар билан тўқнаш келинди. Худди шунинг учун ҳам Германиянинг бу борадаги тажрибаси биз учун фойдадан ҳоли эмас. Таълим соҳасига Германияда давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи омиллардан бири сифатида қаралади. Билим олиш ҳуқуқи Конституция билан мустаҳкамланган. Таълимни юритувчи давлат қонуни, шунингдек таълим вазирлигининг ўзи ҳам йўқ. Ҳар бир ер (давлатнинг маъмурий қисми) ўз қонунини ишлаб чиқиб, уни ўзи амалга тадбиқ этади. Ер ҳукумати эса ана шу умумтаълим, касб мактаблари, малака ошириш, шунингдек олий ўқув юртларининг асосий тармоқлари учун масъулдир. Сиёсатнинг таълим соҳасидаги мақсади ҳар бир фуқаронинг қобилияти ва мойиллигига кўра унинг билим олиши ҳамда малака оширишини таъминлашдан иборат. Таълим сиёсатининг асосий йўналиши ёш авлодни давлат, жамият ва оила олдида ҳар қандай масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр турган мустақил фуқаро даражасига етказиш учун қаратилган. Шунга кўра таълим соҳасини ривожлантириш учун давлат томонидан катта маблағ ажратилади. Федерациянинг эски ерларида (собиқ ГФР ерлари) 1988 йилнинг ўзида таълим соҳаси учун 156 миллиард марка сарфланган.

— Германияда таълим тизими қай тахлитда ташкил этилган?

— Германияда мажбурий таълим бола 6 ёшдан 18 ёшга тўлгунга қадар, яъни 12 йил давом этади. У 9 йилгача тўлиқ, сўнгра ҳунар мактабларида тўлиқ бўлмаган ўқув ҳафталаридан иборат. Ўқиш давлатнинг барча мактабларида бепул. Айрим ҳолларда ўқувчилар ўқув қуроллари, асосан қўлланмалар текинга берилади. Аммо баъзи бир ташкилотлар, жамғармалар тасарруфида хусусий мактаблар ҳам йўқ эмас. Бошланғич мактаб 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (Берлинда эса 6 йил). Кўп жойларда ана шу ўқув жараёнининг биринчи икки йилида ўқувчиларга баҳо қўйилмайди, шунчаки умумий тасаввур берилади холос. Тўрт йиллик таҳсилдан сўнг ўқишнинг бошқа шаклига — маълум бир соҳага йўналтирилган қисмига ўтилади. Ана шундан кейингина болалар асосий мактаб, махсус мактаб (ақлий ривожланишида қусури бор болалар мактаби), реал билим юрти, гимназия ва умумтаълим мактабларига ўтиш имкониятига эга бўлишади. Бунда уларнинг деярли 30 фоизи асосий мактабда ўқишни маъқул кўришади. Уни муваффақиятли тугатганлар олдида турли касбларни эгаллаш йўллари очилади. Реал билим юрти 6 йиллик бўлиб, ўрта маълумот олиш билан якунланади ва унинг битирувчилари давлат хизматида ўртаҳол табақани эгаллаш учун ўрта махсус ўқув юртларига киришлари мумкин. Гимназияда эса 9 йил ўқилади. Уни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома ёшларга олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради. Умумтаълим мактаблари ўз ичига мактабнинг уч турини қамраб олади ва у бешинчидан ўнинчи синфгача давом этади. Бундай мактабларнинг баъзиларида юқори босқич синфлари мавжуд бўлиб, улар ҳатто гимназия билан тенглаша оладилар. Умумтаълим мактаблари берган шаҳодатномалар федерациянинг барча ерларида тан олинади.

— Ўзига хос таълим тизими бўлган давлатда ўқитувчиларни тайёрлаш ҳам ўзига хос равишда олиб борилса керак?

— Албатта. Германия Федератив Республикасида ўқитувчилар шартли равишда олий мактабни тугаллаган бўлишлари лозим. Аммо уларни тайёрлашга турлича ёндошилади. Реал билим юрти, махсус мактаблар, гимназия ҳамда ҳунар билим юртлари учун ўқитувчиларни тайёрлаш бошланғич ва асосий мактабларга нисбатан бирмунча узоқроқ кечади. Ўқитувчилик таълимини олгач, бўлғуси муаллимлар имтиҳон топширишади. Сўнгра мактабларда амалиётни бошлашади ва яна имтиҳон синовидан ўтишади. Ўқитувчи лавозимини эгаллаганларга бир умрлик махсус мавқе берилади.

— Ғарб мамлакатлари тажрибаси Ўзбекистон учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмаса керак?

— Германия таълим тизимидан олган таассуротларим, хулосаларимга таяниб, хусусий мактаблар очилишига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш, таълим соҳасига ҳомийлик қилаётган ташкилот ва муассасаларга солиқ солинишининг имтиёзли шартларини ишлаб чиқиш лозим, деб ўйлайман. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнидаги ўқув режалари, мазмуни ва ўқитиш услубларини ҳам жиддий қайта кўриб чиқиш, чет давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш талаб этилади. Айниқса ўқитувчиларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш масаласига алоҳида ёндошмоқ зарур. Бу хусусда ўқитишнинг кўпроқ амалиёт билан боғланган усулини қўлламоқ, қўш имтиҳон ва аттестациялар ўзининг кутилган мевасини беради, деган фикрдаман. Ана шу тажрибаларга амал қилинса, таълим соҳасини ривожлантиришда яна бир поғона кўтарилган бўламиз. Бу эса жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этмай қолмайди.

Суҳбатдош Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

2-ТОШКЕНТ давлат тиббиёт институтида «Соғлом ва билимли авлод учун» шиори остида буюк мутафаккир олим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган ёш олимларнинг биринчи илмий анжумани бўлиб ўтди. Унда институт ва клиникада меҳнат қилаётган 100 га яқин ассистентлар, аспирантлар, клиник ординаторлар ва ёш мутахассислар иштирок этдилар.

* *Соғлом авлод учун*

Долзарб вазифалар

Анжуманни институт ректори Ҳамид Каримов кириш сўзи билан очар экан институтда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ёш олимлар кенгашининг олиб бораётган ибратли ишлари, қўлга киритаётган муваффақиятлари, янги ташкил этилган Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ва улар олдида турган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шуниси диққатга сазоворки, 1993—94 йил давомида институтда 38 та номзодлик, 2 та докторлик диссертацияси ёқланган бўлса, уларнинг 65 фоизини ёшлар ташкил этади. Сўнг институт ёш олимлар кенгашининг раиси, профессор Шавкат Салимов, институт клиникаси қошидаги кардиология илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими Умида Комилова, ёш олимлар шўъбасининг раиси Ҳасан Жалолов, институт Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг раиси Маҳмуд Усмоновлар сўзга чиқишиб, иқтидорли ёш мутахассисларнинг илмий иш қилишлари учун яратилган шарт-шароитлар, институт моддий техника базаси, ёшларнинг фаоллигини янада ривожлантириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ҳамда муаммолар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Икки кун давом этган анжуманда хирургия, терапия, санитария-гигиена, гинекология ва медико-биология шўъбалари бўйича энг яхши маърузалар учун танлов эълон қилинди. Анжуман сўнгида танлов ғолиблари фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Обида МИРЗАҚУЛОВА.

● Шу йилнинг 7-8 июнь кунлари Тошкентдаги Киночилар уйида илк бор Марказий Осиё мамлакатлари доирасида аллерголог ва пульмонолог олимларнинг биринчи илмий анжумани бўлиб ўтади. Ана шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош аллергологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Озод НАЗАРОВ билан суҳбатда бўлди.

* *Воқеа арафасида*

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИ АНЖУМАНИ

— Озод Аҳмедович, айтингчи, бу илмий анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад нима?

— Маълумки, мустақилликка эришган ва жаҳонга юз тутган Республикамиз тиббиёт ходимлари олдида турган катта муаммолардан бири — бу экология масаласидир. Ана шу экологик номутаносиблик туфайли хасталиклар тури, уларнинг инсон аъзосида кечиши, бир-бирига ўхшамасликги, бир-бирини такрорламайдиган жиҳатлари биз, тиббиёт ходимларини ана шу хасталиклар устида жиддий ўйлашга, фикрлашга ва беморларга даво излаш борасида тўпланган бой тажрибаларни ўзаро алмашишга даъват этмоқда. Марказий Осиё мамлакатларида ҳам аллергологик хасталиклар турлича кечмоқда. Ана шу боисдан биз шу минтақа бир гуруҳ тиббиёт олимлари ўзаро фикрлашиб олиш учун мустақил республикамиз пойтахтида тўпланишга жазм этдик.

— Ушбу анжуманда қайси давлат олимлари иштирок этадилар?

— Бу анжуманда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда Россия Федерацияси ва Австриядан олимларнинг иштирок этишлари кўзда тутилган. Улар орасида бутун дунёга таниқли бўлган академиклардан Г. Б. Федосеев, В. С. Мошкевич, А. Г. Хоменко ва бошқалар бор. Бу олимлар айни шу кунларда кишиларда кўп учрайдиган бронхиал нафас қисиш хасталиги, ушбу хасталикнинг беморларда қандай кечиши, уни даволаш, олдини олиш борасида амалга оширилаётган изланишларни, бу борада тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашадилар.

— Ушбу анжуманда республикамиз аҳолиси нималарни кутса бўлади?

— Юқорида айтиб ўтганимиздек, тиббиёт олимлари асосан аллергик ҳамда пульмонологик хасталикларни сўнгги пайтларда даволашнинг янги усуллари ҳақидаги фикрлар билан ўртоқлашадилар. Улар шу аснода ўзаро бир фикрга келиб, хасталикнинг олдини олиш борасида қандай амалий ишлар қилиш лозимлигини ҳам келишиб оладилар. Бундан ташқари ана шу хасталикларга йўлиққан беморлар учун фанимиз эришаётган ютуқларни амалиётга тадбиқ этиш усулларини қандай жорий этиш тўғрисида фикрлашиб оладилар. Бир сўз билан айтганда. Марказий Осиё давлатлари олимлари иштирокида бўлиб ўтадиган бу анжуманнинг аллергик ва пульмонологик хасталикларнинг олдини олиш, республикамиз миқёсида бу борада қилинадиган иш дастурини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Ўйлаймизки, ана шу хайрли ишга «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг қўшадиган улушлари бундан ҳам салмоқли бўлади.

Суҳбатдош Гулчеҳра АЛИМОВА.

ЁЗ фасли келиб бозорларимизда янги мева ва сабзавотлар кўпайиб бормоқда. Уларни харид қилиб, ювмай истеъмол қилиш натижасида ошқозон ва ўткир ичак касалликларига дучор бўлиш хавфи кучаяди. Бу турдаги касалликлар ич терлама, паратиф, ичбуруғ, сальмонеллёз, ингичка ва йўғон ичакнинг яллиғланиши билан ўтувчи гастроэнтероколитлардир. Мазкур касалликлар ичида инсон ҳаёти учун энг катта хавф туғдирувчи дард вабо саналади.

* *Тозалик—саломатлик гарови*

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Вабо касаллигини қўзғатувчи микроорганизм бўлган вабо вибрионини биринчи бор германиялик олим Р. Кох 1883 йилда аниқлаган. 1906 йилда эса шимоли-шарқий Африканинг Эль-тор темир йўл бекатидаги зиёратчилар орасида вабо жуда тез тарқалиб, Готшлик деган олим томонидан касалликнинг Эль-тор вибриони аниқланди. Бироқ, 1937 йили Индонезиянинг Сулавесе оролида вабонинг йирик эпидемияси рўй бериб, касалликка чалинган одамларнинг 70 фоизи вафот этган. Олимларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, мазкур касалликни қўзғатувчи вибрион Эль-тор экан. Улар бу вибрионнинг уч хили — Огава, Гекошимо ва Инобаларни аниқладилар.

Ҳозирги кунда дунёдаги бир қатор давлатларда давом этаётган вабонинг VII пандемияси вибриони ўзининг ташқи муҳитга чидамлилиги, тарқалиш даражаси ва касаллик келтириб чиқариш даражасининг юқорилиги, касалликка чалинган беморлар аҳволининг ниҳоятда қисқа вақт мобайнида кескин оғирлашиши каби кўринишлари билан мазкур касалликнинг аввалги кўзғатувчиларидан кескин фарқланади. Вабо ич кетиши ва дармонсизликдан бошланади. Иштаҳа йўқолиб, дармон қурийди. Бунда киши умумий вазнининг 3 фоиз миқдорида суюқлиги камаяди. Агар унга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса қайт қилиш, тананинг ҳолсизланиши туфайли безгак тутади ва унинг сув-туз мувозанати бузилиб жигар, юрак фаолиятларида номутаносиблик рўй беради. Оғир ҳолларда эса тутқаноқ тутиши, айрим беморлар вафот этиши ҳам мумкин.

Касаллик фақат оғиз орқали юқади, шунинг учун ҳам унинг олдини олиш осон. Бунда асосан сув, озиқ-овқат, кўча, ҳонадонларнинг тозалигига ҳамда шахсий гигиенага эътибор берилиши зарур. Ичиладиган сув қайнатилган бўлиши лозим. Баъзи бир очиқ сув ҳавзалари, ариқ ва каналларнинг сувларида вабо қўзғатувчилар топилаётганлиги сабабли у ерларда болаларнинг чўмилишига йўл қўймаслик билан бирга ариқ ва зовурларни ифлослантирмаслик шарт.

Ҳозирги кунда тиббиёт ходимлари Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган кўрсатмалар асосида иш юритаяптилар. Айниқса, сув ҳавзалари ва қувур сувларини ифлослантирмаслик, яъни вабо вибрионининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун курашиб келинмоқда. Аммо ўзимиз ариқ, дарё ва сув ҳавзаларига чиқинди оқизмасликка, уларнинг атроф ва ён бағирларини ифлосланишига йўл қўймаслигимиз, шу билан бирга ўтказилаётган йиғин, тўй каби тантаналаримизда ҳам оддий санитария қоидаларига амал қилишни ёддан чиқармаслигимиз лозим. Касалликнинг олдини олиш фақатгина тиббиёт ходимларининг иши бўлмай, балки барчамизнинг асосий вазифамиз эканлигини унутмайлик.

Ҳайитбой ЛАТИПОВ,

Республика Саломатлик марказининг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

ОДАТДА ўқувчилар ота-оналар йиғилишида бўладиган гапларни билишга жуда қизиқадилар. Бугун улар нима ҳақда гаплашаркин, қайси биримизнинг хулқимизни муҳокама қилишаркин, мажлисдан сўнг қандай тортишувлар бўларкин, дея ўз таҳминларини бир-бирлари билан ўртоқлашадилар.

Болаликдаги ўша тасаввурларнинг таъсири туфайлими ёки журналист сифатида шу пайтга қадар бундай йиғилишда сира қатнашмаганим учунми, ҳар ҳолда Тошкент шаҳридаги Нуриддин Носиров номидаги 273-ихтисослашган лицей мактабида бўладиган ота-оналар йиғилишига таклиф қилишганда мен ҳам ўйлаб ўтирмай бу таклифни дарров қабул қилдим.

Келажагимиз — мактабда

Мароқли дийдорлашув

— Мактабимизда 1364 ўқувчи таълим олади, — деб ҳикоя қилди директор Мавлуда Исматова биз билан суҳбатда, — 52 синфимизнинг 27 таси тиббиётга, педагогика, техникага ихтисослашган лицей синфларидир. Биз 1- ва 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт педиатрия институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва Тошкент автомобиль йўллари институтлари билан шартномалар тузиб, фарзандларимизга юқоридаги йўналишлар бўйича билим бермоқдамиз. Мактабимизда фаолият кўрсатаётган 105 ўқитувчимиздан 27 нафари ўша олийгоҳларнинг профессор ва юқори малакали муаллимларидир. Улар орасида тиббиёт фанлари доктори Раҳмонали Кенжаев, филология фанлари номзоди Гулсара Шоабдураҳмоновалар бор. Ўтган йили мактабимизни тамомлаган 120 нафар битирувчимизнинг 98 фоизи ўз соҳалари бўйича олийгоҳларга қабул қилинишди.

Мактабимиз жамоасининг роппа-роса тенг ярми, яъни 39 нафари эркак ўқитувчилардир. Шаҳримизда эркак ўқитувчилар сонининг кўплиги жиҳатидан мактабимиз олдинги ўринларда туради. Бу ҳам бизнинг катта ютуғимиз деб ўйлайман. Қолаверса, бугунги ўқитувчиларимизнинг 60 фоизи ўзимизнинг собиқ ўқувчиларимиздир. Бу ҳам биз учун яхши ва қулай. Мана неча йилдирки, мактабимизда бирорта жиноятчилик қайд этилгани йўқ, ҳатто тарбияси оғир деб рўйхатга олинган болаларни ҳам учратмайсиз...

Йиғилишнинг биринчи қисмида мактаб маъмурияти ва ота-оналарнинг навбатдаги вазифалари, келгуси ўқув йили учун лицей гуруҳларига ўқувчиларни қабул қилиш қоидалари, йўл-йўриқлари хусусида гап борди. Шу нарса маълум бўлдики, 300 га яқин иқтидорли ўқувчи ихтисослашган лицей мактабини муваффақиятли тамомлаш ташвишлари билан яшамоқда. Шунингдек, шу йилнинг 17, 18 июнь кунлари 1994 — 1995 ўқув йиллари учун лицей синфларига қабул кунлари деб эълон қилинди. Ўша куни ота-оналар севимли саҳна усталари Зикир Муҳаммаджонов, Гавҳар Зокирова, Эркин Комилов, Малика Иброҳимова, Ҳожиакбар Комилов, Жамшид Зокиров ва бошқа актёрлар билан дийдорлашдилар. Хуллас, мажлис байрамга айланди. Кўрсатилган ажойиб саҳналар ва нлиқ сўзлар ажойиб ўғил-қизларни вояга етказаётган ота-оналар ва ўқув йилини якунлаётган мактаб ўқитувчилар жамоаси учун муносиб совға бўлди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Шаҳримиздаги «Энг яхши мактаб» номини қўлга киритган Сергели туманидаги 300-лицейда шу кунларда ҳам байрам, ҳам синов дамлари ўтмоқда. Бу ерда олти ёшлилар дастлабки тест синовидан ўтказилиб, биринчи синфга қабул қилинмоқда.

СУРАТДА: бошланғич синфлар илмий мудири Чарос Абдуназарова бўлажак ўқувчи Илҳомжон Усмоновдан имтиҳон олмоқда.

Козим Улмасов олган сурат.

* *Маданий меросимиздан*

«ОФАРИННОМА»НИНГ МУАЛЛИФИ

АРАБ халифалиги ҳукмронлиги барҳам топиб, Хуросону Мовароуннаҳрда маҳаллий — Сомонийлар давлати вужудга келгач, амиру умаро, вазиру вузаро она тили ва адабиётини ривожлантиришга, аждодларнинг қадимий қутлуғ удум-анъаналарини қайта тиклашга аҳд этадилар. Шу мақсадда шаҳару қишлоқлардан олиму фозиллар, шоиру ҳофизларни марказга — Бухорога йиғиб, маҳаллий тилда ижод қилишга даъват этадилар, улар давлат ҳомийлигига олиниб, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб турилди. Сарой доирасидаги ана шундай ижодкорлардан бири Абушукур Балхийдир.

Шоирнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий келиб чиқиши маълум эмас. Эрон олими Санд Нафисий, профессор Холиқ Мирзозодаларнинг аниқлашларича Абушукур 915—16 йиллар орасида Балхда туғилган, Нуҳ ибн Наср (943—954 йилларн ҳукмронлик қилган) замонида Бухорога келиб, сомонийлар саройидаги адабий доирага доҳил бўлган. Буни шоирнинг ўзи айрим байтларида ҳам қайд этган. Унинг вафот этган йили ҳам номаълум.

Абушукур Балхий истеъдодли лирик шоир ва достоннавис бўлган. У лирик турнинг барча жанрларида шеърлар ёзган, ишқий, фалсафий мавзуларда тўртта достон битган. Аммо устод Санд Нафисий таъкидлаганидек бизга қадар ундан бир қанча қитъа ва рубоийлар, 947 йилн ёзган «Офариннома» достонининг маълум қисмигина сақланиб қолган, холос.

Шоир ўз рубоий ва қитъаларида, маснавийларидаги лирик чекиниш ва қистирмаларда комил инсонни улуғлайди, унинг гўзалликка, ҳаётга, яшашга муҳаббатини куйлайди; лирик қаҳрамоннинг ишқсевги хусусидаги нозик кечинмаларини нафис ўйноқи байтларда тасвирлайди; юксак инсоний фазилатларни улуғлаб, кибру ҳаво, танбаллигу судхўрликни, дилозорлигу таъмагирликни жоҳиллигу аччиқ-забонликни қаттиқ қоралайди.

«Офариннома»да шоир инсоннинг турмуш уринишларн, мавжуд ижтимоий тузум билан боғлиқ кўплаб снёсий, маънавий, маиший масалалар хусусида, ахлоқий-таълимий муаммолар борасида бир мутафаккир файласуф сифатида мушоҳада юритади, ибратли хулосалар чиқаради; ўзининг назарий мулоҳазаларини мўъжаз ҳикоятлар билан исботлаб боради, панд-насиҳатлар беради; адолатли ҳукмрон ғоясини илгари суради. Хусусан, достоннинг ҳунар ва илм ўрганишнинг фойдаси, яхшилик ва хайру эҳсоннинг шарофати, адолатнинг нафию зулмнинг касофати тасвирига бағишлаган бўлимлари катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу дунёга яхшилик уруғини сеп, ўзинг ўтиб кетсанг ҳам, номингни яхшилар яхшилик билан зикр этишсин, дейди шоир.

Умуман, Абушукур Балхий шеъриятидаги панд-насиҳат X аср адабиётидаги ахлоқий-таълимий йўналишда ўзига хос бир саҳифаларни ташкил этади. Уларни тўплаб, батафсил тадқиқ этиш адабиётшуносларимизнинг ғалдаги вазифаларидандир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, филология фанлари доктори, профессор.

ОММАБОП РИСОЛА

МАЪЛУМКИ, кейинги вақтларда банк тизимлари, таълимда компьютер техникасини жадал жорий этиш жараёни кетмоқда. Кўплаб талаба ва халқ хўжалиги мутахассислари бевосита компьютердан фойдаланувчи бўлиб қолмоқдалар. Бироқ жойларда жуда катта маблағ эвазига олиб келинган компьютерлардан ҳали самарали фойдаланилаётгани йўқ. Компьютер илмларига оид қўлланмалар, айниқса ўзбек тилида жуда кам. Шу муносабат билан «Шуъла» компьютер техникасини тарғиб ва тадбиқ маркази «Компьютер саводхонлиги» рукни остида қатор китобларни чоп этишга киришди. Жумладан, «Меҳнат» нашриёти мутахассис Тўлқин Нурмуҳамедовнинг ўзбек тилида «Ай-Би-Эм» компьютерлари билан ишловчилар учун оммабоп рисоласини нашрдан чиқарди.

Қўлланма олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника мактаблари ўқитувчи ҳамда ўқувчилари ва умуман республикамиз иқтисодида жуда кўп қўлланилаётган ушбу турга мансуб компьютердан фойдаланувчиларга мўлжалланган. «Шуъла» компьютер техникасини тарғиб ва тадбиқ этиш маркази иш режасига кўра «Компьютер саводхонлиги» рукнидаги ўзбек тилидаги туркум китоблардан яна бир нечтаси нашрга тайёрланмоқда.

Баҳтиёр КАРИМОВ.

* *Яхшилар ёди*

«КИТОБИНГ ИЧРА МЕН БОРМАН»

АБДУЛЛА Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти чоп этган «Ёднома» туркумидаги «Китоб наққоши» эсдаликлар тўпламини ўқиб, беихтиёр ҳаёлга толдим. Муқова устида рассомнинг сурати босилган. Китобчани варақлаганимиз сайин биринкетин мақолаларга хос расмлар. Искандар Икромов меҳнатини акс эттирувчи китоб безакчилик санъати тасаввуримизни янада бойитади. Кўз олдимизда наққошнинг жонли сиймоси гавдаланади.

Ҳозирги пайтда миллий қадриятларнинг тикланишини назарда тутсак, рассом Искандар Икромовнинг алоқачонлар мустақиллик йўлини танлаб, ўзбеклик ғурури, бурчини бажарганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун адибимиз Ойбекнинг «Искандар ҳар рассом каби чизиқларнинг, рангларнинг сирини кўп яхши англайди. Чизиқ ва рангларга ҳаёт, ҳаракат киргизади...» деган сўзлари бенхтиёр ёдга тушади.

«Ёднома» асосан уч бобдан иборат. Биринчи бобдаги «Навоийга эҳтиром», «Муштум бисотидан», «Абдулла Қодирий ҳақида», «Дил суҳбати», «Эски танбур нотаси» мақолалари бизни ҳайратга солади. Буларни рассомнинг ўзи ёзиб қолдирган. Турли матбуотда чиққан, «зангори экран»да сўзлаб, дил чигалини ёзган, мақсадини мухлисларига билдиришга муваффақ бўлган. Унинг дил сўзларига эътибор берсак, Искандар Икромов нафақат рассом, балки халқимиз ҳаёти, тарихи, урф-одатларини пухта билган элшунос, ҳам адабиётшунос, ҳам мусиқашунос, санъат, маданият мураббийси сифатида гавдаланади.

«Рассом ижодига бир назар» бобида Искандар Икромов ижодини яхши билган санъатшунос олимлардан республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдулҳай Умаров «Умр зийнати» ижодий портретида рассомлик қирралари, маҳорати, гўзал фазилатларини ёритади. Пушкин поэмалари, Шевченконинг «Қўбузчи», Тургеневнинг «Арафа», Фурмановнинг «Чапаев», Мирза Турсунзоданинг «Чаманзор», Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам» каби турли миллатга хос шоир, адиблар китобларини безаганлигини ҳаяжон билан ёзади. Санъатшунос рассомнинг ижод қилишидан ташқари бир неча йил Ўзбекистон рассомлар уюшмасига раҳбарлик қилиб, тасвирий санъатимиз равожи сари жон куйдириб, айниқса, ёш ижодкорлардан ёрдамини аямаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Шунингдек, адиб Нодир Норматов, шарқшунос Абдумажид Мадраҳимов, санъатшунос олима Нелли Зиганшиналарнинг ихчам лавҳалари ҳам рассомнинг ҳаёти ва ижодини тўлдиради.

Китобчанинг учинчи боби «Қадрли хотиралар» деб номланиши бежиз эмас. Бу бобда Искандар Икромовнинг ҳақиқий покиза инсон, раҳмдил, одамийлиги меҳр билан эсланади. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров «Нозик дидли инсон эди» эсдалигида шундай дейди: «1932 йилнинг бошларида мен анча расмларимни кўтариб, Тошкентга жўнадим. Ниятим график рассом бўлиб, китобларни безаш эди. Самарқанддан Тошкентга жўнаш арафасида Елена Каравай деган рассом аёл Искандар Икромов номига хат-тавсиянома ёзиб қўлимга берди. Бу хатда менинг рассом бўлиш орзуим борлиги таъкидланиб, Искандар Икромовдан менга ёрдам бериш сўралган». Рассомнинг ҳотирлашича, Искандар аканинг яхшиликлари бир ёмас, бир умр давом этибди. Чингиз ака унинг уйида азиз меҳмони бўлибди.

Охирги сўз рассом ҳақидаги фикримизни янада ойдинлаштиради. Искандар Икромовнинг қизи Софияхон Ёрихонованинг отаси ҳақидаги самимий хотираларида биз рассомнинг онлага муносабати, ижод жараёнларини билиб оламиз.

Китобхонларга яхши таниш Искандар Икромов ҳаёт бўлганида шу йил 90 ёшга тўлар эди. Зеро, наққош безаган Беруний, ибн Сино, Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Ойбек, Фафур Ғулом, Миртемир каби кўплаб аллома, шоир ва адиблар китобларида унинг руҳи юрибди.

Академик шоиримиз Фафур Ғуломнинг икки қатор дил сўзи эса дилингизни тўлқинлантирмай илож йўқ: «Аввало Моний, Искандар соний».

Маҳмуд АҲМЕДОВ,

Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат бўлимининг кичик илмий ходими. Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг аъзоси.

— Равшан Зоҳидович, сир эмаски Республикамиздаги шаҳарлар ичида пойтахтда осойишталикни сақлаш ғоят масъулиятлидир. Кўпчилик ички ишлар ходимлари Шайхонтоҳур туманидаги хизматни ҳам худди шундай дейдилар.

— Аввало шуни айтиш лозимки, ички ишлар ходимлари учун ҳеч қаерда осон эмас. Миллиондан ортиқ киши яшайдиган шаҳардан тортиб, ўн—ўн бешта хонадон жойлашган қишлоқда ҳам милиция ходими бир хил тартибда иш олиб боради. Энди Шайхонтоҳур туманидаги хизматга келсак, айтувчиларнинг гапида жон бор. Чиндан ҳам бўлимимиз жойлашган бу туманда осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ишларини олиб бориш бирмунча оғир. Чунки Шайхонтоҳур тумани қадимдан Тошкентнинг маркази, энг гавжум жойлардан ҳисобланган. Бу ерда аҳоли зич жойлашиши билан бир қаторда пойтахтга келган кишиларнинг кўпчилиги албатта туманда жойлашган вазирликлар, корхона ва ташкилотларда бўлиши, «Чорсу» бозори, Навоий кўчасидаги савдо расталари, эл оғзига тушган дам олиш масканларига қадам қўйиши аниқ. Яширишнинг ҳожати йўқ, туман ҳудудига келган кишиларнинг ҳаммаси бир хил эмас. Яхши ниятли одамлар қаторида юрган нопок кимсалар ҳам топилади. Шунга қарамай бўлимимиз ходимлари ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

** Жиноятчиликни жиловлаш йўлида*

Мақсадимиз—халқ тинчлигини сақлаш

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Равшан Тоиров билан суҳбат

— Сўнгги вақтларда шаҳримиз фуқаролари ички ишлар ходимларининг хизматларидан мамнун эканликларини билдирмоқдалар. Айниқса, йирик жиноий гуруҳларнинг пайи қирқилиши қувонарли ҳолдир.

— Тўғри, Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки дамларда бошқа соҳа кишилари қаторида ички ишлар ходимларига ҳам осон кечмади. Собиқ иттифоқ даврида чиқарилган буйруқ ва кўрсатмалар асосида иш юритиб бўлмай қолган эди. Лекин юртбошимизнинг жиноятчиликка қарши ялпи кураш очиши ва ички ишлар ходимларига берилган ҳуқуқ-имтиёзлар ўз самарасини берди. Қисқа муддат ичида кўзга кўринарли ишлар қилинди. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чорагида туманда 360 та жиноят содир этилди. 1993 йилнинг шу даврида эса 446 та жиноят қайд этилган эди. Бундан кўринадики, туман бўйича жами жиноятлар сони 86 тага қисқарди. Оғир жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,5 фоизга қисқарган, уларнинг очилиши эса 5,4 фоизга ошган. Шу ўринда жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари бўлинма бошлиғи И. Серикбоев бошчилигида йигирмата уюшган жиноятчилар гуруҳини қўлга олганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Яна шунингдек, машина олиб қочиш, давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони анча қисқарди. Босқинчиликнинг пайини қирқишда жиноятнинг олдини олиш бўлинмаси ходимлари ҳам сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Қуйидаги ҳодиса бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бўлимимиз ходими, ҳудуд нозири, милиция лейтенанти Ў. Давлатов ўзига бириктилган «Марказ-15» мавзесида хизмат ўтаётган вақтда кутилмаганда 15-уйдан аёл кишининг қичқириғи ва шовқин-суронни эшитиб қолади. Бирор нохуш воқеа содир бўлганини сезган Ў. Давлатов шовқин келган томон чопиб борса уйдан тўртта ўсмир югуриб чиқадилар. Милиция ходими йўлларини тўсганини кўриб улар ўзларини дуч келган томонга уриб қоча бошлайдилар. Ҳаммасини бир вақтда ушлаб бўлмаслигини билган Ў. Давлатов катта сумка кўтариб олган йигитни қувиб зум ўтмай қўлга олади. Кейинроқ маълум бўлдики, қўлга олинган йигит 1972 йилда туғилган, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи, иш жойининг тайини йўқ К. Владимир бўлиб ўз шериклари билан 15-уйга бостириб кирган. Уй эгасини пичоқ билан қўрқитиб қўл-оёқларини боғламоқчи бўлганларида шовқин кўтарилган ва бизнинг ходим етиб келган. Ҳозирда бу жиноят устидан тергов ишлари олиб борилмоқда ва жиноятчилар албатта ўз қилмишига яраша жазо олади.

— Жиноятчилар билан сиз айтгандай юзма-юз келиб жонидан ҳам кечиб ўз бурчини бажариши учун аввало шу ходимни тарбияламоқ лозим бўлади. Бўлинмада шахсий таркиб билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?

— «Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади», деган ҳарбийлар нақли бизга ҳам мос келади. Дарҳақиқат, ҳар қандай қабиҳликдан тоймайдиган жиноятчи билан дуч келганда саросимага тушиб қолмаслиги учун милиция ходими руҳан чиниққан ва жисмонан бақувват бўлиши зарур. Шу сабабли бўлим шахсий таркиби билан олиб борилаётган тарбиявий-ташкилий ишлар хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг марказида интизомни мустаҳкамлаш бош вазифа бўлган ва бўлиб қолади. Чунки ҳамма ерда интизом бўлса ишда унум бўлади. Ходимларнинг қонун-қоидаларни ҳеч иккиланмай бажаришлари, намунали одоб-аҳлоқ эгаси бўлишлари учун «Маърифат» дарслари бўлимда мунтазам ўтказилади. Шунингдек, ходимларнинг оиласи, турмуш шароити қандай эканлиги чуқур ўрганилади. Негаки оиласи, турмуши нотинч кишининг ишда ҳам унуми бўлмайди. Вақти-вақти билан моддий қийналган оилаларга имконият даражасида ёрдам бермоқдамиз. Бу ишда шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи ходимлари И. Умаров, Б. Рустамовларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар ходимлар билан якка тартибда иш олиб боришни йўлга қўйганлар. Бажарилаётган барча ишлар кишиларнинг тинчлиги, осойишталиги ҳамда уй ва кўчаларда бехавотир бўлишларини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда. Бўлим ходимлари туман ҳудудида ўтказилаётган «Ҳашар», «Мажмуа», «Арсенал», «Тун» ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этиб фуқаролар тинчлиги ва мол-мулкининг даҳлсизлигини таъмин этаяптилар. Мақсадимиз — халқимиз тинч бўлсин. Шу мақсад йўлида сидқидилдан хизматга ҳамиша тайёрмиз.

Суҳбатдош Исроил САЙДИКАРИМОВ.

** Осойишталигимиз посбонлари*

«КАСБИНГДАН БАРАКА ТОП!»

САНОАТ опа эрталаб тонг саҳарда туриб ҳовлига чиқди. Ҳали уйидагилар ширин уйқуда. У баъзи бир ҳовли юмушларини бажардию дарвозадан чиқиб хизматга отланди.

Ҳа, Саноат Юсупова мана 25 йилдирки Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Ҳамза тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилиб келмоқда. Милиция майори. Жамоада ўз обрўсига эга.

Саноат опани айниқса унинг ўзи хизмат қилаётган Ҳамза туманидаги Охунбобоев номидаги маҳалла қўмитасидагилар жуда ҳурмат қилишади. Маҳалла аҳлининг хурсандчилик, оғир кунларида ҳам камарбаста.

— Милицияга ишга киришни олдин хаёлимга ҳам келтирмагандим, — дейди биз билан суҳбатда у. — Институтни эндигина тугатган уч қизни ички ишлар вазирлигига чақириб қолишди. Аввалига ҳайрон бўлдик. Нега энди бизни чақиришган экан? Билсак ишга чақиришибди. Уйимдагилар билан маслаҳатлашиб олиш лозимлигини айтиб қайтдим. «Оилали бўлсам. Турмуш ўртоғим нима дейди. Устига-устак ўзбек аёлларидан милиционер кам бўлса?». Шу хаёллар билан уйга етиб келганимни ҳам билмайман. Дарвозадан ҳатлаганимда турмуш ўртоғим Мирсоат ака кутиб турган эканлар. Бор гапни айтиб бердим. «Шунга хафа бўлиб ўтирибсизми, онам тушунадиган аёл. Мана кўрасиз, ўзлари оқ фотиҳа берадилар», деб кўнглимни кўтариб қўйдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Қайнонам менга оқ фотиҳа бердилар: «Касбингдан барака топ қизим...». Ўша 1969 йилнинг августидан бери милициядаман.

Ҳамза тумани ички ишлар бўлимида бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция капитани Асқар Ҳожимуродов билан суҳбатлашганимизда опа тўғрисида илиқ гапларни айтди. 1994 йилги натижалар бўйича Саноат Юсупованинг бирон-бир «боласи» ножўя хатти-ҳаракат содир этмаган. Жамоада ҳурмати баланд. Ёшларга устоз. Балоғатга етмаганлар билан ишлаш айримлар учун осонга ўхшаб туюлиши мумкин. Аслида яхши натижага эришиш учун кўпроқ изланиш, самарали меҳнат қилмоқ керак. У барча тарбияси оғир болаларни ўз тасарруфига олган. Доимо сўраб-суриштиради. Қи-

зиқишларидан тортиб, хулқ-атворигача бохабар бўлишга, ижобий ўзгаришлар томон йўллашга интилади.

— Ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмайди, — дейди опа. Ҳамма гап ота-она, мактаб ва биз катталарнинг уларга бераётган тарбиямизда. Болани молу дунё, пул бузмайди, нотўғри тарбия йўлдан чиқаради. Маҳалламизда битта оила бор. Эр-хотин аввалига бинойидек яшашар, топганини биргаликда баҳам кўришарди. Нима бўлдию уларнинг орасидан қора мушук ўтиб оиланинг файзига путур ета бошлади. Эр ичиб келиб хотинини урадиган қилиқ чиқарди. Охир-оқибат улар ажрашишди. Хотин уч боласи билан бошқа эрга тегди. Аммо у эридан ҳам бахти очилмади. Буниси ҳам спиртли ичимликни кўрса дарди қўзийдиганлардан экан. Бир она ишлаб на оилани бут қилолди, на болаларига тузукроқ қаради. Оилада она меҳри фарзандга қандай керак бўлса ота меҳри ҳам шунчалик зарурдир.

Ота меҳрига зор болалар ёмон йўлга кириб кетишди. Биз бир-икки марта тўғри йўлга солиб қўйдик, аммо улар билганидан қолишмади. Бир-икки марта маҳалла аралашиб танбеҳ берди. Қиссадан ҳисса шуки, тарбияси назорат қилинмаган болаларнинг ёмон йўлга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Болалар тарбиясида катталарнинг аҳамияти катта. Агар билсангиз улар бизнинг ҳар бир яхшими, ёмонми хатти-ҳаракатларимиздан андоза олишга уринишади. Маҳаллаларда улар тарбиясига яхши эътибор берилса самараси ҳам чакки бўлмайди.

— Саноатхон шу маҳаллада туғилиб ўсган, — деб гап бошлади биз билан суҳбатда Ҳамза туманидаги Охунбобоев номидаги маҳалла оқсоқоли Боқижон Тўлаганов. — Маҳалланинг пастбаландини билади. Ҳар бир ишини биз кексалар билан маслаҳатлашиб қилади. Биргаликда мактабларга бориб учрашувлар ўтказамиз. Ўйлайманки, ҳар бир нозир ҳам шундай иш тутса фақат ютади. Маҳалламиздаги иккита ўсмир ўтган йили қинғир ишга қўл уришиб ҳаммамизнинг юзимизни ерга қаратиб қўйганди. Албатта, улар бу ишларидан анча пушаймон бўлишди. Бошқа такрорламасликка сўз беришди. Саноатхон уларнинг тарбияси билан шахсан ўзи шуғулланиб икковининг ҳам шаҳримиздаги техника лицейига ўқишга киришларига ёрдамлашди. Ҳозир улар аъло баҳоларга ўқишмоқда.

Ишдаги ютуқлари, ёшларни тарбиялашдаги муваффақиятлари учун 1987 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Фармонига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» деган унвонга сазовор бўлган Саноат Юсупова дил сўзларини шундай дея якунлади:

— Хизматимдан мамнунман. Балоғатга етмаган ёшлар билан ишлашдек юмушда озми-кўпми элга фойдам тегаётганидан кўнглим кўтарилади. Одамлар қанчалик тинч-тотув яшаса бу биз учун шунчалик бахт.

Дарҳақиқат, мана шундай фидойи инсонлар борлиги учун ҳам биз кечалари тинч ухлаймиз. Бунда эса ҳикмат кўп.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

● СУРАТДА: милиция майори Саноат Юсупова капитан Убайдулла Омонов билан балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш хусусида фикрлашмоқда.

ЯНГИ БЎЛИМ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

КЕЙИНГИ вақтларда эл-юрт осойишталигини таъминлаш борасида Ички ишлар идоралари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, милиция ишини янада яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида фаолиятнинг янги хил йўллари изланмоқда, милиция соҳасини том маънода ўз касбига муносиб кадрлар билан таъминлаш юмушлари ҳам намунали йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, ҳозир Собир Раҳимов, Чилонзор, Миробод, Мирзо Улуғбек туманларининг аҳоли кўплаб истиқомат қиладиган жойларида фаолият кўрсатаётган милиция бўлимлари жиноятчиликни жиловлаш йўлида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Бундай бўлимларда жиноят-қидирув, навбатчилик, тезкор гуруҳ, ҳудуд нозирлари каби барча хизматлар жамланган бўлиб, унинг мақсади милицияни халққа яқинлаштириш, ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдир.

Яқинда Юнусобод даҳаси, 4-мавзесида ҳам худди шундай бўлимнинг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Энди икки қаватли бинода тажрибали тартиб посбонлари ўз фаолиятини бошлайди. Тумандаги милиция бўлимининг очилишига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири З. Алматов, шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бошлиғи К. Ғофуров, туман ҳокими А. Қосимов, прокуратура, суд, милиция ходимлари, Юнусобод туманидаги барча маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Халқимизда «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман» деган ҳикматли гап бор. Суратда бошини чангаллаб турган йигит Тошкентга олий ўқув юртига кириш ниятида келган. Сўнг эса заводга ишга кириб бинойидек меҳнат қилиб юрган. Бироқ нопок йўллар билан мўмай даромад қилиш мақсадида гиёҳфурушликка киришди. Аммо кўп ўтмай кирдикорлари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан фош этилиб жиноий жавобгарликка тортилди. Қўлга олинганида унинг ёнидан катта миқдордаги қорадори ва уни ўлчайдиган тарози, турли ўлчамдаги тарози тошлари топилди.

СУРАТДА: пойтахт Ички ишлар бош бошқармаси жиноят-қидирув бошқармасининг бошлиғи, милиция подполковниги У. Иброҳимов (ўртада) ва шу бошқарма бўлим бошлиғининг муовини, милиция майори Т. Абдусатторовлар ашёвий далилларни кўздан кечиришмоқда.

Абдураҳим Халилов олган сурат.

** Шундай хизмат бор*

БЕМИННАТ ЁРДАМЧИЛАР

МИЛИЦИОНЕР-кинологнинг буйруғи билан ит тахта тўсиқлардан моҳирлик билан сакраб ўтди. Кейинги ишорадан сўнг у думларини ликиллатганча эгасининг чап қўли томонга ўтиб олди. «Машқни яхши бажардинг» дея кинолог итнинг қулоқларини силаб қўйди...

Тошкентдаги хизматчиискович итлар парваришхонасига борганимизда ходимларни қизғин иш устида учратдик.

— Жуда кўплаб зотдор итларни парваришлаб турли хизмат ишларида фойдаланишга тайёрлаяпмиз, — дейди милиция капитани Алексей Алексеевич. — Тўрт оёқли хизматчилар орасида ҳар хил зотдор, республика чемпионатларида ғолиб чиққанлари бор. Улар ДАН, қўриқлаш хизматида милиция ходимларига катта ёрдам бермоқда. Гиёвандлик моддаларини излаб топувчи искабтопарлар собиқ Иттифоқнинг турли ўлкаларидан олиб келинган.

— Ёшлигимдан итлар билан ишлашга қизиққанман, — дейди милиция лейтенанти Эркин Тиллаев. — Билсангиз, улар билан ишлаш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги итларнинг одамларга тезда ўрганиб олиши. Қийинлиги эса итни фақат битта одам тарбиялаши керак.

— Парваришхонамизда ишига меҳр қўйганлар ишлайди, — сўзида давом этади Алексей Алексеевич. — Ҳозир бизда ўн бир нафар ходим ишлаяпти. Уларга 38 та ит бириктириб қўйилган. Мана бу «Арслон» лақабли Кавказ зотдор итимиз қўриқлаш ишлари учун махсус тайёрланмоқда. «Жерри» эса гиёвандлик моддаларини излаб топади. «Граф» ҳар қандай жиноятчини ҳам искаб топа олади.

Парваришхонада ходимлар билан анча суҳбатлашдик. Ходимларнинг нияти ҳолос: ички ишлар идоралари учун хизматчи итларни тайёрлаб бориш.

Мурод ШУКУРОВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Давлат цирки республика бирлашмаси

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

ДАСТУРДА: акробатлар, жонглёрлар, эквилибристлар, ўргатилган ҳайвонлар ва масхарабозлар гуруҳининг чиқишлари.

ТОМОШАЛАР
3 июнь соат 17.00 да
4 июнь соат 15.00 да,
5 июнь соат 15.00 да,
9 июнь соат 17.00 да,
10 июнь соат 17.00 да,
11 июнь соат 15.00 да.
12 июнь соат 15.00 да бошланади.
Олдиндан чипталар сотилади.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.
КАССАЛАР СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ОЧИҚ.
Маълумот олиш учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

сим алоқаси муҳандиси,
шабадалатиш бўйича муҳандис,
лифт бўйича муҳандис,
сантехника бўйича муҳандис,
сантехника бўйича чилангарлар,
шабадалатиш ва газ хўжалиги бўйича чилангар,
алоқа электромонтёрлари,
қозонхона оператори,
вахтёрлар (эркаклар)ни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ИККИ СМЕНАЛИ ИШГА муқова — брошюра машиналарининг машинистлари КЕРАК. Меҳнат ҳақи — ишбай.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй, ходимлар бўлими.
Телефон: 33-80-83.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИНИНГ
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ВА ИЛМИЙ МАЖМУАСИ
РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ВА ТУРИЗМ БЎЙИЧА
ЛИЦЕЙИ
ТАНЛОВ АСОСИДА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— маъмурий ходим;
— сервис хизматчиси;
— туризмда овқатланишни ташкил этиш ва тайёрлаш;
— туризмни ташкил қилиш (тур-оператор).

Лицейга IX синфни яхши баҳоларга битирган, ёши 16 дан ошмаган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати тўрт йил. Иккинчи йил ўқишни тугатгандан сўнг ўқувчилар ихтисосликлари бўйича қисқа муддатли амалиётни Ўзбекистон ва чет эл сайёҳлик мажмуалари ва меҳмонхоналарида ўтайдилар.

Ўқишни тугатгандан сўнг халқаро намунадаги диплом берилади.

АРИЗАЛАР 1 ИЮЛДАН 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
17 августдан тест синовлари бошланади.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, Аҳмад Дониш кўчаси.
Телефон: 24-87-29.

САЙЁҲЛИК ТАРМОҒИ ИХТИСОСЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН
302-ИҚТИСОДИЙ МАКТАБ-ЛИЦЕЙ
VIII ВА X-СИНФЛАРНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ
ТАНЛОВ АСОСИДА
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
— сайёҳлик йўналишлари менежери;
— сайёҳлик гуруҳлари раҳбар-саёҳатбошчиси;
— ПЭҲМ ҳисобчи-оператори.
Лицейни тугатгандан сўнг ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома билан биргаликда сертификат берилади.
Тест синовлари VIII синфлар учун 10 июндан 20 июнгача. X синфлар учун 20 июндан 1 июлгача ўтказилади.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 4-мавзе (К. Ёрматов номли кинотеатр яқинида).
Телефонлар: 24-57-58, 24-18-10.

Совутиш қурилмалари ўрнатиладиган омбор учун
БИНОНИ ИЖАРАГА ОЛАМИЗ
Телефонлар: 41-44-34, 41-44-06.

2-АВТОБУС ПАРКИГА
шошилинч равишда
ДОИМИЙ ИШГА
«Д» тоифасидаги ҳайдовчилар ва кондукторлар КЕРАК.
Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 263.
Телефонлар: 96-55-52, 96-32-60.

Яккасарой туманидаги Муқимий номли маҳалла қўмитасининг йўқолган
ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шаҳар марказидаги иккита планли уй (14 сотихли) **сотилади**. Катта уй 7 хонали, иккинчиси 2 хонали. 2 та автомашина учун гараж, ёрдамчи қурилмалар, газ, водопровод, канализация, иссиқ сув, телефон, ҳамма қулайликларга эга бўлган катта боғ бор.
Телефон: 93-21-23.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг маданият ишлари Бош бошқармаси жамоаси «Ойнома» маданият ва истироҳат боғининг директори С. Т. Собировага онаси
Раҳбархон УБАЙДУЛЛАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг маданият ишлари Бош бошқармаси жамоаси «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғининг директори С. Қ. Содиқовга отаси
Қобул СОДИҚОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарияти ва Ишчилар таъминоти бирлашмаси жамоаси ихтисослаштирилган автобаза ҳайдовчиси Шавкат Одиловга отаси
Иҳом ОДИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—993. ● Босмага бериш вақти 11.30. ● Босмага берилди 12.00.